

“Мароканд нефт базаси” МЧЖ, кейинги ўринларда «Маҳсулот сотувчи» деб юритилувчи номидан НИЗОМ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.И.Икрамов бир томондан ва Ўз. Рес. Транспор. прокуратураси кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи номидан _____ низом асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Маҳсулот сотувчи» «Истеъмолчининг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини бериш, «Истеъмолчи» эса берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига олади.

1.2. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, нархи шунингдек, бериш муддатлари қуйидаги спецификация жадвалида келтирилади.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Миқдори	Суммаси
Автобензин Аи-80	О'zDst 3031;2015	Тонна	9340461	0,450	4403204,45
Автобензин Аи-98			12044538		
Ўчоқ ёқилгиси					
Диз.ёқилгиси					
Диз.ёқилгиси ЭКО	О'zDst 1134;2007		12771668		

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Маҳсулот берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланилади.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси ҚҚС билан 4403204,45 сўми шундан 15% ҚҚС суммаси 548244,6 сўми ташкил қилади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 4 май куни ўтказилган №27-сонли йиғилиш баёнининг 23-бандига асосан бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Маҳсулот сотувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшахартрансхизмат” АЖ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёқилгиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилгиси) ўтган ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида шаклланади.

2.3. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Маҳсулот сотувчи» томонидан бошқа истеъмолчиларга барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади.

2.4. «Маҳсулот сотувчи», «Истеъмолчининг буюртмаси олинган заҳоти берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 кун ичида амалга оширади. Акс ҳолда «Маҳсулот сотувчи» нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни қўллаши мумкин.

2.5. Бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Маҳсулот сотувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. МАҲСУЛОТ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Маҳсулот сотувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида унга берилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилгандагина берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»нинг хоҳишига қараб (истеъмолчида махсус автотранспорт воситаси бўлмаган тақдирда) «Маҳсулот сотувчи»нинг махсус автотранспортда белгиланган тартиб ва келишилган қўшимча нархлар асосида етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари келишилган калькуляция асосида қайта кўриб чиқилади.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қуйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Маҳсулот сотувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар (Истеъмолчининг автотранспортда олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчининг талабига биноан «Маҳсулот сотувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. ва 3.2. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Маҳсулот сотувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ

истеъмоли молларини сифат жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Маҳсулот сотувчи»нинг омборида ёки унга қаршли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг худудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Маҳсулот сотувчи» омбори ёки АЁҚШ худудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Маҳсулот сотувчи», «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини беришни кафолатлайди. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини махсус автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Маҳсулот сотувчи» нефт маҳсулотларини ўз вақтида бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун нефт маҳсулотлари сўммасининг 0,1 фоизи, лекин шартнома сўммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. «Маҳсулот сотувчи» нефт маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Маҳсулот сотувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» берилган нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириди ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«Маҳсулот сотувчи»

«Мароканднефтбазаси» МЧЖ

Пастдаргом тумани, Арабхонақишлоғи

х/р 22604000000440931701

МФО 00432 «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Яшнобод филиалис ИНН 202041686

А.И.Икрамов

«Истеъмолчи»

СТИР

х/р №

АТБ

МФО

Тел. +

РАХБАР:

ТРАНСПОРТНАЯ ПРОКУРАТУРА РУЗ

УЗБЕКИСТАНСКАЯ-8А- ☎ 299-97-70

И/СЧ100010000292787036200010001

ИНН 201730886 ОКЕД 84112

ОПЕР. УПР. ХАЖМАТ. №

Р/С 23402000000100001010

МФО 00014РКН ТУ ПЛ. Т. Ташкент

ОКЕД 443, 201 122 810

фли.

Ҳуқуқшуноснинг хулосаси: Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353 ва 354-моддалари ҳамда 437-456-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 11 бўлим 31, 32, 34-моддалари талабларига жавоб беради

Ҳуқуқшунос

ИННМС бўлими

